



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

# ЎТМИШГА НАЗАР

3 МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ  
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 3

LOOK TO THE PAST  
SPECIAL ISSUE 3



ТОШКЕНТ-2022

**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Муртазаева Рахбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

## ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**  
тарих фанлари доктори,  
профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бобожонова Дилором Бобожонова**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари  
университети

**Юнусова Хуршида Эркиновна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Кебадзе Мадонна**  
тарих фанлари доктори,  
Телави давлат университети

**Аширов Адхам Азимбаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Агзамова Гулчеҳра Азизовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Бурдиашвили Майя**  
тарих фанлари доктори,  
Телави давлат университети

**Кожакеева Ляззат Темировна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика  
университети

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**  
тарих фанлари доктори,  
Тошкент кимё - технология институти

**Дорошенко Татьяна Ивановна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон давлат жаҳон  
тиллари университети

**Ширванова Тарана Амирага кызы**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Азербайджон давлат  
иқтисодиёт университети

**Гофоров Шокир Сафарович**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Самарқанд давлат университети

**Эргашева Юлдуз Алимовна**  
Тарих фанлари доктори, профессор,  
Қариши муҳандислик-иқтисодиёт  
институти

**Теймураз Ахалмосулишвили**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Телави давлат университети

**Халикова Рахбар Эргашевна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент давлат техника университети

**Ишанходжаева Замира Райимовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Эшов Боходир Жўраевич**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Қариши давлат университети

**Махкамova Надира Раҳмановна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент ахборот технологиялари  
университети

**Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Нукус давлат педагогика институти

**Мустафаева Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари доктори  
Ўзбекистон Фанлар академияси

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Джоробекова Айнуэр Эшимбековна**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Қозоғистон дипломатия академияси

**Раҳмонкулова Зумрад Бойхуразовна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Расулов Абдуллажон Нуриддинович**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Наманган давлат университети

**Ковалев Борис Николаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Санкт-Петербургда Тарих институти

**Кобзева Ольга Петровна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Ауанасова Алима Мусировна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Қозоғистон давлат тарихи институти

**Бегалинова Калимаш Капсамаровна**  
фалсафа фанлари доктори, профессор,  
Қозоғистон Миллий университети

**Хайдаров Муродилла Махмудалиевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Алнева Лале**  
тарих фанлари доктори,  
Озарбайжон давлат университети

**Санпова Камола Давляталиевна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Исмаилова Алмаз**  
тарих фанлари доктори,  
Догистон мустақил университети

**Иноятова Диларам Маниглиевна**  
Тарих фанлари доктори (DSc)  
Ўзбекистон Миллий университети

**Одилов Аббор Анварович**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Толибоева Нодира Одилжоновна**  
Тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), Ўзбекистон жаҳон  
тиллари университети

## МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT

<b>1. Раҳбархон Муртазаева</b> ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ.....	6
<b>2. Дилором Бобожонова</b> ЎЗБЕК ОИЛАЛАРИДА ТИББИЙ МАДАНИЯТНИ ОШИРИШ, СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ.....	17
<b>3. Баҳодир Эшов</b> ҚАДИМГИ ШАҲАРЛАР ШАКЛЛАНИШИНИНГ ТАҲЛИЛЛАРИ.....	26
<b>4. Зумрад Раҳмонкулова</b> МАҲМУД АМИН АФАНДИ “ИСТАНБУЛДАН ЎРТА ОСИЁГА САЁҲАТ”.....	34
<b>5. Манзура Аминова</b> ИБН ХОЛДУН ИЛМИЙ МЕРОСИНING ЗАМОНАВИЙ АҲАМИЯТИ.....	41
<b>6. Тўлқин Ахмедов</b> ТУРКИСТОНДА БИРИНЧИ РУС-ТУЗЕМ МАКТАБИ: МАЪМУРИЙ ЭҲТИЁЖ ЁКИ МАДАНИЙ ЯҚИНЛАШУВ ЗАРУРИЯТИ?.....	48
<b>7. Мансур Бойсариев</b> ОЗАРБАЙЖОН ДИАСПОРАСИ ВАКИЛЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМ-ФАНИ ТАРАҚҚИЁТИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ.....	56
<b>8. Фируза Жуманиязова</b> ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ХОРАЗМ ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ ҲАЁТДАГИ ФАОЛЛИГИНИНГ ДАВРИЙ НАШРЛАРДА АКС ЭТТИРИЛИШИ (1941–1945 йиллар).....	64
<b>9. Мухаммаджон Исамиддинов</b> АНТИК ДАВР ЁЗМА МАНБАЛАРИДА САМАРҚАНД ТАРИХИНИНГ ЁРИТИЛИШИ.....	70
<b>10. Бахыт Кошанов, Хакимбай Отегенов, Гулчехра Ержанова</b> ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ТАРИХШУНОСЛИГИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ.....	79
<b>11. Shohruhbek Mamadaliyev</b> TURKISTON SHAHARALARIDA OCHLARGA YORDAM KOMISSIYASI FAOLIYATI TARIXIDAN.....	87
<b>12. Gulnora Maxkamova</b> XX ASR SAMARQAND KASHTALARI: XILLARI, USLUBLARI, ORNAMENT REPERTUARI (SAMARQAND DAVLAT MUZEYI NAMUNALARI MISOLIDA).....	93
<b>13. Уктамжон Мансуров</b> VI – XI АСРЛАР СУҒД ЁЗМА ЁДГОРЛИКЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ МАНБА СИФАТИДА ЎРГАНИЛИШИ.....	100
<b>14. Шоназар Матякубов</b> XVI- XVIII- АСРЛАРДА ХИВА ХОНЛИГИ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИНИНГ АСОСИЙ СОҲАЛАРИДАН БИРИ-КУЛОЛЧИЛИК ТУРИ ТАВСИФЛАРИ.....	105

<b>15. Отабек Махмудов</b> «МИЛЛИЙ ТАРИХ» ВА «ТАРИХ ТАЪЛИМИ»ДА «ЖАҲОН ТАРИХИ»НИНГ АҲАМИЯТИ (лотин тилли тарихий манбалар ва замонавий ўзбек илмий адабиётининг қиёсий таҳлили медиєвистик талқинда).....	109
<b>16. Sayyora Mirsoatova, Aхrorbek Muxsidinov</b> O‘ZBEKISTONDA MEZOLIT DAVRI YODGORLIKLARINING O‘RGANILISHI HAQIDA.....	122
<b>17. Зухра Ражабова</b> ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ СИЙМОСИННИНГ ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ.....	128
<b>18. Мафтуна Рузикулова</b> ФАРҶОНА ВОДИЙСИНИНГ МЕЛИОРАЦИЯ ВА ИРРИГАЦИЯ ИШЛАРИ ТАРИХИДАН (1950 – 1970).....	134
<b>19. Хасанбой Рахматиллаев</b> ҚАДИМГИ ВА ИЛК ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ ЭТНИК ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ МУАММОЛАРИ ҲАҚИДА.....	139
<b>20. Lutfiya Salomova</b> AVSTRALIYA MILLIY ARXIVI FAOLIYATI HAQIDA.....	144
<b>21. Наргиза Сейтимбетова</b> ҚОРАҚАЛПОҶИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОЗОҚ МИЛЛИЙ МАДАНИЙ МАРКАЗИ.....	148
<b>22. Shaxnoza Tursunova</b> O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASINING BENILYUKS DAVLATLARI BILAN XALQARO MUNOSABATLARINI RETROSPEKTIV TAHLILINING AYRIM JIHATLARI.....	156
<b>23. Икромжон Умаров</b> КЎҲИТАНГТОҶ ҚИШЛОҚЛАРИНИНГ ҲУДУД БЎЙЛАБ ЖОЙЛАШУВ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА АҲОЛИНИНГ ЭТНИК ТАРКИБИ.....	161
<b>24. Ма’мура Umarxodjayeva, Zilola Shodmonxo`jayeva, Nodira Xasanova</b> O‘ZBEKISTON TARIXI DAVLAT MUZEYINING NOYOB XAZINASIDAN.....	174
<b>25. Санъат Худайбергaнов</b> ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧИДА ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ХОРИЖИЙ ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ.....	178
<b>26. Ҳабиба Ҳасанова</b> 1917-1924 ЙИЛЛАРДА ТУРКИСТОН МИНТАҚАСИДА БОСМАХОНАЛАРНИНГ ТЕХНИК ҲОЛАТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР.....	186
<b>27. Ра’но Qodirova</b> 1936-1937 YILLARDA O'ZBEKISTON SSR MAKTABLARIDA TARIX FANINING O‘RGANILISHI (M.Asimov hisobot materiallari asosida).....	192


<b>28. Қосим Қосимов</b> ШАРҚИЙ БУХОРОДА ҚИЗИЛ АРМИЯГА ҚАРШИ МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК ҲАРАКАТЛАРИ.....	196
<b>29. Ислон Қаршиев</b> МУТАФАККИР СЎФИ ОЛЛОЁР ҚАРАШЛАРИДА ТАСАВВУФИЙ ҒОЯЛАР ТАҲЛИЛИ.....	203
<b>30. Гулжаҳон Шайдуллаева</b> ХАРАППА МАДАНИЯТИ ЁДГОРЛИКЛАРИДАН ТОПИЛГАН ОКС ЦИВИЛИЗАЦИЯСИГА ХОС БЎЛГАН МОДДИЙ МАНБАЛАР ТАҲЛИЛИДА МАДАНИЙ ВА САВДО АЛОҚАЛАРИ.....	209
<b>31. Fotima Shirinova, Zumrad Kosimova</b> XX ASRNING 20-30-YILLARIDA SOVET HOKIMIYATINING O'ZBEKISTONDA YURITGAN SIYOSATI, UNING MONIYATI VA OQIBATLARI. SIYOSIY QATAG'ONLIK.....	222
<b>32. Юлдаш Юлдашев</b> ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ДАВЛАТ АРХИВИ 555-ФОНДИНИНГ АРХИВ МАНБАШУНОСЛИГИ ТАҲЛИЛИ.....	230
<b>33. Акмал Якубов</b> ХИВА ХОНЛИГИНИНГ ТАШҚИ САВДО МУНОСАБАТЛАРИ (Дашти қипчоқ мисолида).....	237
<b>34. Акмал Якубов</b> ХИВА ХОНЛИГИ ВА ҚОЗОҚ ЖУЗЛАРИ (ўтроқ ва кўчманчилар ўзаро алоқларининг негизлари).....	246
<b>35. Лазизахон Алиджанова</b> ДИНИЙ ТАЪЛИМОТЛАРДА ТИББИЁТГА ОИД ИЖТИМОИЙ ҚОИДАЛАР ТАҲЛИЛИ.....	256
<b>36. Дилрабо Қурбанова</b> ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИК СИЁСАТИ.....	264
<b>37. Камола Саипова</b> УРУШ ДАВРИДАГИ ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ БАҒРИКЕНГЛИК КЎРСАТИШИ.....	274
<b>38. Аҳадулла Раҳматуллаев</b> ТУРКИСТОНДАГИ МАҲАЛЛИЙ ЎЛКАШУНОС ВА КОЛЛЕКЦИОНЕРЛАР ФАОЛИЯТИ.....	280
<b>39. Азамат Ктайбеков</b> ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ЎЗГАРИШЛАР (2000-2016).....	288
<b>40. Гулнора Худойберганава</b> “АСКЕТИЗМ” ТУШУНЧАСИ ВА ДИНЛАРДА АСКЕТИК АМАЛИЁТЛАРГА МУНОСАБАТНИНГ ТАҲЛИЛИ.....	293



**Наргиза Минсизбаевна Сейтимбетова,**  
Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети  
«Археология» кафедраси доценти в.в.б., PhD  
seytimbetovanargiza@umail.uz

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОЗОҚ МИЛЛИЙ МАДАНИЙ МАРКАЗИ

**For citation:** Nargiza M.Seytimbetova, KAZAKH NATIONAL CULTURAL CENTER OF THE REPUBLIC OF KARAKALPAKSTAN. Look to the past. 2022, Special issue 3, pp.148-155

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.7485320>

### АННОТАЦИЯ

Ўзбекистон Республикаси кўп миллатли давлатдир. Кўп миллатли республикада тинчлик ва барқарорлик қудрати республикада истиқомат қилувчи халқлар ўртасида тинчлик ва миллатлараро дўстлик муносабатлар ўрнатилиши билан боғлиқ. Бинобарин, мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида, шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида миллатлараро муносабатлар соҳасида амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар, аҳолининг миллий таркиби, миллий маданий марказлари фаолиятини илмий жиҳатдан ўрганиш тарих фанининг долзарб муаммоларидан биридир.

Мақолада қозоқ миллати вакилларининг мустақиллик йилларида Қорақалпоғистон Республикаси миллий таркибида туганган ўрни, географик ўрни, йиллар бўйича таҳлили, қозоқ миллий маданий маркази фаолияти, марказнинг миллатлараро муносабатларни мустақамлашдаги ўрни кўриб чиқилади. Тадқиқотдан мақсад Қорақалпоғистон Республикаси қозоқ миллий-маданий маркази томонидан амалга оширилаётган ишларни илмий ўрганиш, хулоса ва тавсиялар беришдан иборат. Тадқиқот жараёнида қиёсий таҳлил, тизимлаштириш ва тизимли-хронологик таҳлил каби илмий тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

**Калит сўзлар:** миллат, қозоқ миллий маданий маркази, этник ўзига хослик, миллатлараро тотувлик.

---

**Наргиза Минсизбаевна Сейтимбетова,**  
Каракалпакский государственный университет имени Бердаха,  
и.о.доцент кафедры «Археология», PhD  
seytimbetovanargiza@umail.uz

## КАЗАХСКИЙ НАЦИОНАЛЬНЫЙ КУЛЬТУРНЫЙ ЦЕНТР РЕСПУБЛИКИ КАРАКАЛПАКСТАН

### АННОТАЦИЯ

Республика Узбекистан - многонациональная страна. Власть мира и стабильности в многонациональной республике связана с установлением мира и межнациональных

дружественных отношений между народами, проживающими в республике. Поэтому одна из актуальных проблем истории - это масштабные реформы в области межнациональных отношений, национального состава населения, научное изучение деятельности национально-культурных центров, проводимых в Республике Узбекистан за годы независимости, включая Республику Каракалпакстан.

В статье исследуется роль казахской нации в национальном составе Республики Каракалпакстан за годы независимости, ее географическое положение, анализ по годам, деятельность Казахского национального культурного центра, роль центра в укреплении межнациональных отношений в нашей стране. Цель исследования - провести научное исследование работы, проводимой Казахским национальным культурным центром в Республике Каракалпакстан, сделать выводы и рекомендации. В ходе исследования использовались такие научные методы исследования, как сравнительный анализ, систематизация и системно-хронологический анализ.

**Ключевые слова:** нация, казахский национальный культурный центр, этническая идентичность, межнациональное согласие.

**Nargiza M.Seytimbetova,**  
Karakalpak State University named after Berdakh,  
docent of the Department of "Archeology", PhD  
seytimbetovanargiza@umail.uz

## KAZAKH NATIONAL CULTURAL CENTER OF THE REPUBLIC OF KARAKALPAKSTAN

### ABSTRACT

The Republic of Uzbekistan is a multinational country. The rule of peace and stability in a multi-ethnic republic is associated with the establishment of peace and inter-ethnic friendly relations between the nations living in the republic. Therefore, one of the pressing problems of history is large-scale reforms in the field of interethnic relations, the national composition of the population, a scientific study of the activities of national and cultural centers carried out in the Republic of Uzbekistan during the years of independence, including the Republic of Karakalpakstan.

The article examines the role of the Kazakh nation in the national composition of the Republic of Karakalpakstan over the years of independence, its geographical position, analysis by year, the activities of the Kazakh National Cultural Center, the role of the center in strengthening interethnic relations in our country. The purpose of the study is to conduct a scientific study of the work carried out by the Kazakh National Cultural Center in the Republic of Karakalpakstan, to draw conclusions and recommendations. Scientific research methods such as comparative analysis, systematization and system-chronological analysis were used during the research.

**Index Terms:** nation, Kazakh national cultural center, ethnic identity, interethnic harmony

### 1. Долзарблиги:

Ҳозирги кунда геосиёсий ва мафкуравий жараёнлар авж олган глобаллашув даврида, шунингдек жаҳонда иқтисодий, сиёсий, миллий, диний ва бошқа зиддиятлар кучайган бир шароитда миллатлараро тотувликни таъминлаш ҳар бир давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

80-йиллар охири 90-йиллар бошларига келиб, советлар давридаги миллий муоммаларни ҳал қилиш йўллари оқламаганлиги яққол кўриниб қолди. Иттифокнинг парчаланиши арафасида юзага келган миллатлараро низо ва адоватларга миллий сиёсатда йиллар давомида тўпланган нуқсон ва камчиликларнинг оқибати деб қарашимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг миллатлараро муносабатлар ривожига бутунлай янги ижтимоий-иқтисодий вазият юзага келди. Кўп миллатли республикада бозор муносабатларига ўтиш шароитида барқарорликни таъминлаш учун кам сонли миллат ва элатларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини камситмайдиган, пухта

ўйланган миллий сиёсатни амалга ошириш зарур эди [1]. Мустақилликнинг дастлабки йилларида амалга оширилган миллий сиёсат натижасида республикада яшовчи барча миллат вакиллари конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш, маданиятини, урф-одатларини сақлаб қолиш, ўз она тилида гапиришига ва таълим олишига барча имкониятлар яратилди.

## **2. Метод ва ўрганилганлик даражаси:**

Мақола тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий таҳлил, тизимлаштириш, холислик тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, унда мустақиллик йилларида мазкур муомма бўйича илмий мақолалар, китоблар, матбуот материаллари, шунингдек ушбу соҳага оид идораларнинг маълумотлари таҳлил қилинган.

## **3. Тадқиқот натижалари:**

XX асрнинг охирида кўп миллатли Ўзбекистонда этник уйғониш жараёни жуда яққол намоён бўлди. Айниқса мамлакат мустақилликка эришгандан кейин, ижтимоий-сиёсий жараёнларда миллий омилнинг аҳамияти ўсиб, асосий миллатлар (ўзбеклар, қорақалпоқлар)дагина эмас, бу ерда яшовчи бошқа барча халқларнинг вакилларида ҳам ўз тарихига, анъанавий маданиятига қизиқиш кучайди [2]. Ушбу ҳол ҳар бир миллат вакилининг миллий ўзига хослиги асосида бирлашув жараёни, яъни миллий-маданий марказларини ташкил қилиш орқали миллий маданиятини, урф-одатларини сақлаш ва ривожлантириш жараёни юз беришига олиб келди.

Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудлари каби Қорақалпоғистон Республикасида ҳам миллий-маданий марказлар ташкил қилиниб, мамлакатимизда миллатлараро муносабатларнинг янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикасида 6 та (Қозоқ, Корейс, Рус, Украин ва Туркман, Қўнғирот тумани Қозоқ миллий маданий марказ бўлими) миллий маданий марказлар фаолият олиб бормоқда. Юртимизда турли миллат вакиллари ўртасида дўстлик алоқаларини сақлаш, уни янада мустаҳкамлашда миллий маданий марказларнинг ўрни ва аҳамияти жуда катта бўлмоқда. Миллий маданий марказлар томонидан жамиятда миллатлараро ҳамжиҳатлик ва бағрикенгликни таъминлаш, дўстлик ва кўп миллатли ягона оила туйғуси ва муҳитини мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда [3].

Қорақалпоғистон Республикасида яшовчи асосий миллат вакиллари билан бири қозоқ миллати вакиллари бўлиб, улар бирнеча асрлар давомида юртимизда бошқа миллат вакиллари билан биргаликда тинч-тотув, дўстона муҳитда яшаб келмоқда.

Ота-боболаримиз Орол денгизи ва Аму-Сирдарёлар атрофини макон этиб, тақдирнинг бирнеча ташвишларини бирга кўриб, яхши кунларини ўзаро ўртоқлашган. Аввалги йиллари қозоқ халқининг кенг даласини четдан келган босқинчи-душманлардан ҳимоя қилишда қорақалпоқнинг манаман деган мард ботирлари кўлига кўрол олиб, жангларда иштирок этган. Шу ўринда қорақалпоқ Қулашбек ботирнинг XVII асрда Абулайхон аскарларининг бош саркардаси бўлиб, қозоқ ерини жунғор-қалмоқ босқинчиларидан озод этишдаги мардликлари ва дўстлик-қариндошлик бирдамлиги авлоддан авлодга намуна бўладиган ва асрайдиган хусусиятимизга айланмоғи керак [4].

Совет Иттифоқи мавжуд бўлган даврда Ўзбекистонда жуда ихчам яшаган ва анъанавий турмуш тарзини олиб борадиган қозоқларнинг кўп сонли диаспораси жойлашган бўлса, кейинги йигирма йил ичида вазият тубдан ўзгарди. Кўп сонли қозоқ қабилалари Ўзбекистонда нотекис жойлашган, тахминан қўйидагича: Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ тумани, Чирчиқ, Юқори Чирчиқ, Чиназ ва бошқа ҳудудларда нисбатан кўпроқ қозоқлар истиқомат қилади. Ундан кейинги кўп сонли қозоқларнинг яшаш жойлари Навоий вилоятининг Тамди, Учқудук каби туманларида, Жиззах вилоятининг Мирзачўл шаҳрида жойлашган. Унча катта бўлмаган қозоқ аҳоли пунктлари ҳозиргача Қорақалпоғистоннинг Қозоғистон ва Туркменистон билан чегарадош жойларида, хусусан Қўнғирот, Тахтакўпир, Ташаўзда жойлашган. Бугунги кунда Ўзбекистон ҳукумати идорасининг маълумотларига кўра, статистика қўйидагича: Тошкент вилояти – 339800; Қорақалпоғистон – 306900; Навои – 49600; Тошкент – 45900; Жиззах – 31300; Бухоро – 19700; Сирдарё – 14600; Хорезм – 11500; Самарқанд – 4900; Сурхондарё –

2300; Қашқадарё – 1800; Фарғона вилояти – 900; Наманган – 800; Андижон – 700. Ўзбекистондаги қозоқ диаспорасининг умумий сони 831,200 минг кишини ташкил этади. Маълумот «Ўзбекистоннинг этноконфессионал атласи» асосида берилган (муаллифлар жамоаси томонидан тайёрланган, жавобгар муҳаррир – М. Ахмеджанов. Ўзбекистон Республикаси геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси. Тошкент, 2011. ГНПП «Картография») [5].

2020 йил 1 январ ҳолатига Қорақалпоғистон Республикасида 294965 қозоқ миллати вакиллари яшаб, умумий аҳолининг 15,5 % ташкил қилди. Мустақилликнинг дастлабки йили, яъни 1991 йили 339398 та қозоқ миллати вакиллари яшаган бўлиб, ўсиш кўрсаткичлари 2001 йилгача кўтарилиб (2001 йил 376516 кишига етти), 2001 йилдан бошлаб ўсиш кўрсаткичлари камайиб, бу кўрсаткич 2020 йил бошига келиб 1991 йилги кўрсаткичдан 44433 кишига камайди [6].

2012-2019 йилларда қозоқ миллати вакиллари Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳри ва туманлари кесимида жойлашувини қўйидаги жадвалдан билишимиз мумкин [7].

	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019
Нукус шаҳри	66410	66325	66355	66281	66506	66573	66543	66781
Тахиатош	18152					18606	18454	18330
Амударё	12696	12672	12745	12850	12940	13016	13114	13233
Беруний	29020	29087	29289	29553	29785	30050	30414	30801
Қонликўл	1088	1089	1102	1146	1210	1236	1263	1288
Қораўзак	9591	9570	9620	9618	9643	9689	9694	9718
Кегейли	8625	8598	8611	8636	8721	8764	8768	6993
Кўнғирот	35526	35373	35389	35446	35521	35619	35684	35659
Муйноқ	9079	9050	9068	9135	9206	9276	9355	9542
Нукус	10736	10610	10614	10686	10748	10857	10905	11005
Тахтақўпир	17763	17514	17248	17099	17071	17044	17007	16997
Тўртқўл	11592	11618	11677	11757	11862	11996	12204	12401
Хужайли	33809	50857	49904	49224	48705	29680	29567	29415
Чимбой	11024	11045	11156	11261	11452	11566	11641	11318
Шуманай	11966	11804	11722	11638	11590	11555	11501	11501
Элликқалъа	6920	6979	7062	7288	7435	7523	7681	7818
Бўзатов								2165
ҚР бўйича жами:	293997	292191	291562	291618	292395	293050	293795	294965

Бу маълумотларга асослансак, қозоқларнинг ҳудудий жойлашуви Нукус шаҳри, Кўнғирот, Хужайли, Беруний, Тахиатош, Тахтақўпир туманларида кўпчиликни ташкил қилиб, ундан кейинги ўринларни Амударё, Шуманай, Тўртқўл, Чимбой, Нукус, Қораўзак, Муйноқ, Кегейли, Элликқалъа, Қонликўл туманлари эгаллайди. Йиллар кесимида ўсиш кўрсаткичлари бўйича барча туманларда кам сонли фарқлар билан барқарор сақланиб қолди. Лекин Тахтақўпир ва Шуманай туманларида қозоқ миллати вакиллари сон жиҳатдан камайганлигини кўришимиз мумкин. Бунга мамлакатдаги демографик жараёнлар, миграция жараёнлари маълум маънода ўз таъсирини ўтказди.

Қорақалпоғистон Республикасида яшовчи қозоқ миллати вакиллари мустақилликнинг дастлабки йилларидан миллий ўзига хослигини сақлаш, уни авлоддан-авлодга етказиш, миллий урф-одатларини ривожлантириш мақсадида миллий маданий марказ ташкил қилиб, республикамизда миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлашга салмоқли хисса қўшди.

Қозоқ миллий маданий маркази Қорақалпоғистондаги қозоқ миллати вакиллари томонидан ташкил этилган ижтимоий ва нодавлат ташкилотдир. Кўп миллатли Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар соҳасида олиб борилаётган узоқни кўзлаган оқилона сиёсати натижасида ташкил топган республика маданий марказ ўз уставига эга. Қозоқ миллий маданий маркази республиканинг бошқа миллий маданий марказлари билан биргаликда мамлакатимиз

халқлари ўртасида тинчлик ва дўстлик, ҳамжиҳатлик ва бирликка хизмат қилади. Умуман олганда, миллий маданий марказ уставига биноан унинг асосий ва масъулиятли вазифаси халқларимизнинг маънавий ҳаётини тиклаш, қадимги маданий меросни, қозоқ халқининг адабиёти ва фольклорини, урф-одатлари ва санъатини бошқа халқлар қаторида тарғиб қилиш, уларни халқимизнинг маънавий озукасига айлантириш, яна да ривожланишдан иборат [8].

Қорақалпоғистон Республикаси қозоқ миллий маданий маркази Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1996 йил 3-июльда рўйхатдан ўтган. Қозоқ миллий-маданий марказининг асосий мақсади Қорақалпоғистонда яшаётган қозоқ миллати вакилларининг маънавий ва маданий эҳтиёжларини қаноатлантириш, тили ва урф-одатларини ривожлантириш, шу орқали халқлар орасида дўстликни мустаҳкамлаш [9].

Қозоқ маданий маркази ҳуқуқий ва ташкилий моҳияти жиҳатидан ихтиёрий жамоат бирлашма ҳисобланади. Маданий маркази ўз фаолиятини Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясига мувофиқ олиб боради. Марказ мамлакат ижтимоий ва маданий ҳаётида фаол иштирок этади, республикада қозоқ маданияти ва санъатини ривожлантириш, халқимизнинг қадимий амалий санъати, халқ таълими ва илм-фанини ривожлантиришда фаол иштирок этади [10].

Қозоқ миллий маданий маркази томонидан 1992 йил апрель ойида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг бир йиллигига бағишланган Қорақалпоғистон Республикасида яшаб ва меҳнат қилаётган қозоқ халқи халқ истеъдодларининг биринчи санъат мусобақаси пойтахтимиз Нукус шаҳрида бўлиб ўтди. Бу тадбирга қозоқ миллий-маданий маркази раиси С.Т.Нурхожаев, ўша вақтдаги республика раҳбарлари, машҳур шоир ва ёзувчилар қатнашди. Сўзга чиққанлар қозоқ-қорақалпоқ халқлари ўртасидаги дўстлик узок ўтмишга эга эканлиги, бугунги куни уларнинг қиз олиб-қиз бериб куда-анда бўлиб ўтирганлиги атаб ўтди. Шунингдек, тадбирда ҳаваскор ансамбллар иштирок этди. Масалан, Қўнғирот шаҳридан келган «Заманай» ансамбли, Шўманой туманидан «Аксунгул» ансамбли, Хужайлидан Сейтеновларнинг оилавий ансамбли, «Гакку», «Замандас» ансамбллари, ҳаваскор шоир-ақынлар, домбырачи, ашула айтувчи бир қатор истеъдод эгалари иштирок этди. Бу тадбирни ташкиллаштиришда республикамизга машҳур меҳнат ва уруш фахрийлари Д.Ожраев, М.Кинбаев, Т.Ибрагимов, Р.Бекетов, Р.Тоқабаев, А.Адиловларнинг хизматлари катта бўлди. Қозоқ миллий-маданий маркази шу тарзда ўзлари ташкил қилинган вақтдан биринчи марта санъат мусобақаси байрамини яхши ўтказди [11].

1992 йили 5-сентябр куни қозоқ миллий-маданий маркази ташаббуси билан Қорақалпоғистон маданий ҳаётида катта тадбир амалга оширилди. Бу Қозоғистон Республикасининг Маңғыстаў вилояти ёшлар иттифоқининг биринчи котиби, вилоят кенгашининг депутати Сағидулла Толенов раҳбарлигидаги бир гуруҳ шоир жировлар, Ўзбекистоннинг Сирдарё вилоятидан Осербай жиров бошлаган шоирлар ва Қорақалпоғистоннинг бир қатор туманларидан келган ёш шоирларнинг бош қўшуви бўлди.

Қорақалпоғистонда биринчи марта ўтказилаётган ушбу мусобақанинг тантанали очилиш муносабати билан республикамиздаги қозоқ миллий-маданий маркази бошқармасининг аъзоси мусобақа ҳакамлар ҳайъати раиси Тажигалий Темиркулов меҳмонларни Аму тупроғига келиши билан табриклаб, уларга омад тилади. Мусобақани Қорақалпоғистондаги қозоқ миллий-маданий маркази бошқармасининг биринчи ўринбосори, «Достық ўни» газетасининг муҳаррири Қутмағамбет Қонысбаев ўзининг «Арнаў» достонида ўлкамиз халқларининг дўстлиги тобора мустаҳкамланаётганлиги дуторда ижро этди [12]. Мусобақа давомида Қозоғистонлик ва Қорақалпоғистон туманларидан келган шоирларнинг айтишув, достонларида халқларимиз ўртасидаги дўстлик алоқалари таърифланди ва дўстлик ришталари янада мустаҳкамланди. Тадбир якунида мусобақа ғолиблари ва иштирокчилари муносиб тақдирланди.

Қозоқ маданий маркази Қозоғистон Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ва маҳаллий қозоқлар билан биргаликда Ўзбекистон қозоқлари орасида миллий маданиятни сақлаш ва ривожлантириш, шунингдек буюк қозоқ аждодлари хотирасини абадийлаштириш бўйича муайян ишларни амалга оширди. Улар орасида Толе бий дафн қилинган «Калдыргач

би» мемориал комплексининг очилиши, таниқли жамоат ва маданият арбоблари номи билан кўчалар ва мактабларнинг очилиши, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошида қозоқ адабиёти бўйича кенгашнинг очилиши, ўзбек телевидениесида «Замандас» қозоқ кўрсатуви (ҳозирги «Дидар») кўрсатувининг очилиши ва бошқаларни айтиш мумкин. 1991 йил 10-январда қозоқ тилида «Достық туы» газетаси нашр этила бошланди, у 1993 йилда номи ўзгартирилиб, ҳозиргача «Нўрлы жол» номи билан чоп этилмоқда.

Қорақалпоғистондаги театрлар фаолияти таҳлили шундан далолат берадики, Бердак номидаги Қорақалпоқ давлат мусикали театри репертуари бернеча мавсум давомида қозоқ драматургияси пьесаларига асосланиб яратилган. Улар: С. Балгабаевнинг беш пьесаси, шунингдек К. Байсейтов ва К. Шангытбаевнинг «Үш бойдақ» К. Жетписбаевнинг «Бўл қандай той» пьесаси. Балгабаевнинг «Адеми келинчак» пьесаси Ўзбек миллий драма театрида ҳам кўйилмоқда.

1991 йилдан Нукус шаҳрида Қозоқ маданий маркази қошида очилган «Бес қала» ягона қозоқ миллий театри ҳозирги кунда кадрлар етишмовчилиги, сахна майдонининг йўқлиги ва молиявий муоммалар сабабли яхши фаолият кўрсатмаяпти. Гарчи театр ўз ижодий фаолияти давомида Қорақалпоғистондаги кўплаб қозоқ диаспораси орқали ўзининг доимий ва содиқ томошобинларига эга бўлган. Унинг сахнасида мусикали ва драматик спектакльлар муваффақиятли ижро этилди: М. О. Ауезовнинг «Абай» мусикали драмаси, Б. Бердиниязовнинг «Тенизден тамшы», Ж. Асановнинг «Мөңке» ва бошқалар [13]. Ҳозирги кунда бу театр кўғирчоқ театр сифатида халққа хизмат кўрсатмоқда.

Қозоқ миллий-маданий марказида Қозоғистон Республикаси билан ижтимоий-иқтисодий, маданий соҳаларда ҳамкорлик йўлга кўйилган бўлиб, марказ аъзолари умумжаҳон қозоқ миллати вакилларининг қурултойларида иштирок этиб келмоқда. Бу қурултойнинг ўтказилишининг мақсади ҳақида Ўзбекистон қаҳрамони Ағитай Адиллов кўйидагича таъкидлаган эди:

– Дўст, қариндош Қозоғистон ва Ўзбекистон халқларининг яқин қўшничилик алоқалари ўзининг кўп асрлик тарихига эга. Икки эл президентларининг тез-тез учрашувлари халқларимизнинг аҳил қўшничилик, савдо-иқтисодий, маданий алоқаларини янада кенгайтириш ва такомиллаштиришнинг ишончли гарови бўлиб, у мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий, маданий, савдо, адабиёт, таълим, санъат, спорт ва бошқа соҳаларда ўзаро ҳамкорликни кучайтиришда кенг имкониятлар очиб бермоқда. Қурултойда халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш орқали Қозоғистондан ташқарида яшаётган қозоқ миллати вакилларининг ўз миллий анъаналарини, тилини асраб-авайлаши, халқ оғзаки ижоди ва замонавий ёзувчи-шоирларнинг ижодларидан вақтида хабардор қилиб туришга ёрдамлашиш масаласи сўз этилди [14]. Қурултойда миллий урф-одат намуналари, хунармандчилик маҳсулотлари, миллий қўл санъати, заргарлик, ёғочдан ва металлдан тайёрланган кўплаб буюмларнинг намойиши ўтказилади. Шунингдек қурултой доирасида хорижий делегациялар билан биргаликда спорт мусобақаларини ўтказиш анъанага айланган.

Қозоқ миллий-маданий маркази ҳақида сўз юритганда марказ раиси педагогика фанлари номзоди, доцент Жанжайхан Дарменовнинг хизматлари катта. У 2015 йил август ойидан буён марказни бошқариб келмоқда. Унинг фаолияти давомида марказда қозоқ миллати вакилларининг ўзига хослигини сақлаб қолиш, уни авлоддан авлодга етказиш бўйича бирқанча тадбирлар, учрашувлар, байрам кечалари ўтказилди. Фидокорана хизматлари учун Ж.Дарменовга Қорақалпоғистонга меҳнати синган маданият ходими юксак унвони ҳукуматимиз томонидан берилди.

Ж.Дарменов бошчилигида қозоқ миллий-маданий маркази юртимизда истикомат қилаётган қозоқ миллати вакилларининг маънавий ва маданий эҳтиёжларини қаноатлантириш, она тилидаги ўқув адабиётлар билан таъминлаш мақсадида самарали ишлар олиб бормоқда.

Қорақалпоғистон Қозоқ миллий-маданий маркази томонидан республикадаги қозоқ тилида таълим йўналишидаги мактабларга 800 дан ортиқ бадиий ва адабий китоблар жамланмаси тарқатилди.

Юртимизда фаолият кўрсатаётган миллий маданий марказларнинг хориждаги миллий-маданий марказлар билан маданий-гуманитар ҳамда дўстона алоқаларини янада кучайтиришга қаратилган тадбирлар ўтказилиб келинмоқда. Жумладан, Қозоқ миллий маданий маркази томонидан 2020 йилнинг 27 февраль куни Нукус давлат педагогика институтида Қозоғистон Республикаси Ақтөбе вилоятининг “Ақтөбе” ижтимоий-сиёсий газетаси бош муҳаррири, шоир Бауржанов Бабажан ўғли билан институт ёшларининг учрашуви ташкил этилди [15].

2020 йил 24-26-февраль кунлари Қозоғистон Республикаси Ақтөбе вилояти ҳокими Оңдасын Оразалиев Қорақалпоғистон Республикасида меҳмон бўлди. Ушбу кунлари Қорақалпоғистон Қозоқ миллий маданий маркази раиси Ж.Дарменов ва бир қатор фаол аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашув республика телеканалларида ёритилди.

2020 йил 21-октябрда онлайн тарзда умумжаҳон қозоқ қурултойи ва ватандошлар жамғармаси ташаббуси билан Ўзбекистон қозоқлари учун кичик қурултой бўлиб ўтди. Қурултойда Қорақалпоғистон Қозоқ миллий маданий маркази раиси Ж.Дарменов ўз таклиф ва тавсиялари билан иштирок этди [16].

Ҳозирги кунда Қорақалпоғистон Республикаси кесимида қозоқ миллати вакиллари сони бўйича Нукус шаҳридан кейинги ўринни Қўнғирот тумани эгаллайди (35659 киши). Шу сабабли Қўнғирот туманида Қозоқ миллий маданий марказ бўлими фаолият юритмоқда.

Миллий маданий марказнинг самарали фаолият юритишлари учун зарур, қулай шароитлар яратиш мақсадида тумандаги “Есемурат жираў” номидаги мусиқа мактабидан Қозоқ миллий маданий маркази учун алоҳида хона ажратилиб, керакли жиҳозлар билан таъминланди. Турли миллат вакиллари истиқомат қилаётган Қўнғирот туманида аҳоли фаровонлигини таъминлаш, уларга муносиб меҳнат ва турмуш шароитларини яратиш бериш учун бор куч-ғайрат, имконият ишга солинмоқда [17].

Ҳар йили 13-март – қозоқ халқининг кўришув байрами республикамизда нишонланади. Ушбу кунда халқ кишидан омон чиққанлигига шукрона келтириб, бир-бири билан қўл олишади. Ҳамма уйда дастурхон ёйилиб, миллий таомлар тортилиб, одамлар бир-бири билан кучоқ очиб кўришади, ўтган кўнгил гиналари кечирилади. Бу урф-одат Фарбий Қозоғистон, Маңғыстаў, Атыраў вилоятларида, Ақтөбенинг айрим туманларида, Россиянинг Астрахан, Саратов, Оренбург худудларида, шунингдек бизнинг Қорақалпоғистонда яшаётган қозоқ миллати вакиллари орасида кенг турда нишонланади [18].

Буюк қозоқ шоири Абай Қунанбаевнинг 170 йиллиги бир қатор таълим муассасаларида нишонланди. Истеъдодли шоир Муқағали Мақатаевнинг туғилган куни мактабда ва бир қатор таълим муассасаларида шеърят байрами сифатида нишонланади.

Хуллас, қозоқ ва қорақалпоқ халқлари ўртасидаги тотувлик ва қуда-андачилик муносабатлар асрдан-асрга ўтиб келмоқда. Қозоқ қардошларимиз Ўзбекистонда яшовчи бошқа халқлар вакиллари билан қўлга-қўл ушлашиб, тотувликда яшаб, халқ эзгулиги учун халқ хўжалигининг барча соҳаларида фаоллик кўрсатмоқда.

#### **4. Хулоса ва таклифлар:**

- қозоқ миллати вакиллари республикамиз миллий таркибининг ажралмас қисми бўлиб, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаётда ўзига хос ўринга эга;
- қозоқ миллати вакиллари ўз она тилида таълим олишлари учун барча имкониятлар яратилган. Республикамиз ўрта таълим мактабларида қозоқ тилида таълим берилиб, олий ўқув юртларида эса қозоқ тили ва адабиёти бўйича олий маълумотли мутахассислар тайёрланади;
- қозоқ миллий маданий маркази қозоқ миллатининг ўзига хослигини сақлашда самарали ишлар бормоқда;
- марказ фаолиятини кенг оммага етказишда оммавий ахборот воситаларининг роли катта аҳамиятга эга. «Ўзбекистан – ортақ уйимиз» шиёри остида телевидение, радио ва матбуотда кўрсатув, радиоэшиттиришлар намойиш этилмоқда;
- марказнинг янада самарали фаолият юритиши учун хорижий хамкорликни ривожлантириш мақсадга мувофиқ;

- марказ фаолиятини ёритиб берувчи буклетлар, қўлланмалар тайёрлаш ва кенг оммага тақдим қилиш;
- ушбу соҳада хорижий олимлар билан илмий ҳамкорликда тадқиқотларни кенг йўлга қўйиш.

### Иқтибослар/ Сноски/ References:

1. Исоков Б. Межнациональное согласие и религиозная толерантность в Узбекистане. // «Вестник» Каракалпакского отделения Академии наук Республики Узбекистан. - Нукус.2004.№5-6, 70-с. (Isokov B. Interethnic harmony and religious tolerance in Uzbekistan. // "Bulletin" of the Karakalpak branch of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan. - Nukus. 2004, No. 5-6, 70-p.)
2. Муртазаева Р.Х. Межнациональные отношения и толерантность в Узбекистане. Т. «Университет» 2007, 37-с. (Murtazaeva R.Kh. Interethnic relations and tolerance in Uzbekistan. Т. "University" 2007, 37-p.)
3. Материалы «Секретариата по связям с общественными и религиозными организациями» Совета Министров Республики Каракалпакстан. Нукус 2020 (Materials of the "Secretariat for Relations with Public and Religious Organizations" of the Council of Ministers of the Republic of Karakalpakstan. Nukus 2020)
4. Газета «Еркин Каракалпакстан». Гонка талантов. 8 апреля 1992 г., №67 (15986) (Newspaper "Erkin Karakalpakstan". Talent race. April 8, 1992, No. 67 (15986))
5. <http://mysl.kazgazeta.kz/?p=249> (<http://mysl.kazgazeta.kz/?p=249>)
6. Материалы Статистического управления Республики Каракалпакстан. Нукус-2021 (Materials of the Statistical Department of the Republic of Karakalpakstan. Nukus-2021)
7. Материалы Статистического управления Республики Каракалпакстан. Нукус-2021 (Materials of the Statistical Department of the Republic of Karakalpakstan. Nukus-2021)
8. Материалы Казахского национально-культурного центра. Нукус-2021 (Materials of the Kazakh National Cultural Center)
9. ЦГА РК Ф. М-541, Опись.1, Ед. хр. 418, 17-с. (TsGA RK F. M-541, Description 1, Ed. хр. 418, 17-p.)
10. Материалы Казахского национально-культурного центра. Нукус-2021 (Materials of the Kazakh National Cultural Center)
11. Газета "ЕркинКаракалпакстан" Конкурс талантов. 8 апреля 1992 г. №67 (15986) (Newspaper "ErkinKarakalpakstan" Competition of talents. April 8, 1992 No. 67 (15986))
12. Газета "Еркин Каракалпакстан", Токпе поэтические песни стали праздником. 10 сентября 1992 г. №154 (16073). (Newspaper "Erkin Karakalpakstan", Tokpe poetic songs became a holiday. September 10, 1992 No. 154 (16073))
13. <http://mysl.kazgazeta.kz/?p=249> (<http://mysl.kazgazeta.kz/?p=249>)
14. Газета Еркин Каракалпакстан. Дружба и солидарность - непобедимые птицы. 28 июля 2011 г., №90 (19084) (Newspaper Erkin Karakalpakstan. Friendship and solidarity are invincible birds. July 28, 2011, No. 90 (19084))
15. Материалы раздела «Секретариат по работе с общественными и религиозными организациями» Совета Министров Республики Каракалпакстан. Нукус 2020 (Materials of the section "Secretariat for work with public and religious organizations" of the Council of Ministers of the Republic of Karakalpakstan. Nukus 2020)
16. Материалы Казахского национально-культурного центра. Нукус-2021 (Materials of the Kazakh National Cultural Center)
17. Газета «Каракалпакстанское утро». Межнациональное согласие и толерантность - сильные опоры общества. 29 октября 2020 г., №42 (1415) (Newspaper "Karakalpakstan morning". Interethnic harmony and tolerance are strong pillars of society. October 29, 2020, No. 42 (1415))
18. <http://karakalpakstan.uz/kk/news/show/1943> (<http://karakalpakstan.uz/kk/news/show/1943>)

# ЎТМИШГА НАЗАР

3 МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ  
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 3

LOOK TO THE PAST  
SPECIAL ISSUE 3

Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000